

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтининг “Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраси билан «Ғалла-Алтег» АЖ ўртасида инновацион ҳамкорликни амалга ошириш бўйича

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 2/2021

“26” 01 2021 йил

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида ПҚ-3702-сон қарорига асосан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг филиаллари ҳамда Илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги илмий-тадқиқотларни биргаликда ўтказиш, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини илғор Илмий-тадқиқот институтларининг лабораториялари, давлат корхонасида ўташларини ташкил қилиш, ёш мутахассисларни ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаштириш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтининг “Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраси бир томондан, «Ғалла-Алтег» АЖ иккинчи томондан ушбу ҳамкорлик шартномасини туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, соҳани жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги узвий алоқа тизимини такомиллаштириш бўйича уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли инновацион ҳамкорликни ўрнатиш.

1.2. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилот ва корхоналарнинг ўз ечимини кутаётган молиявий-иқтисодий, илмий-техник ва технологик муаммоларини ўрганиш ва уларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш чораларини белгилаш.

1.3. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти профессор-ўқитувчилари, илмий ходим-изланувчилари, мустақил тадқиқотчилари ва иқтидорли талабаларининг илмий-тадқиқот фаолиятлари натижасида яратилаётган ишланмаларини ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий этиш.

1.4. Ишлаб чиқариш корхоналари базасида талабаларнинг ўқув, малакавий ва битирув олди амалиётларини ташкиллаштириш, ўқув режалари ва фан дастурларига реал иқтисодиёт субъектлари талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифларни ишлаб чиқиш.

1.5. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, соҳа фанини жадал ривожлантириш ва ўқув

муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш.

1.6. Юқори малакали мутахассислар, жумладан илмий ва илмий – педагогик кадрлар ва магистрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш ташкилотларининг моддий техник базаси ва салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда ўқув ва илмий – тадқиқот муассасалари салоҳияти ва базасидан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантириш.

1.7. Бўш иш ўринлари ва истиқболда янги мутахассисларга бўладиган эҳтиёжлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш, битирувчиларни малакавий битирув ишларини ва диссертацияларини бажаришларида ҳамда ишга жойлаштиришда яқиндан ёрдам бериш.

## 2. Томонларнинг вазифалари ва мажбуриятлари

### 2.1. «Ғалла-Алтег» АЖ :

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан фан – таълим – ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш учун биргаликда инновацион гуруҳ ташкил этиш.

- қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ўз ечимини кутаётган молиявий-иқтисодий, илмий-техник ва технологик муаммолар тўғрисидаги маълумотларни инновацион гуруҳга тақдим этиш;

- инновацион гуруҳ таркибига тажрибали ва юқори малакали мутахассисларни киритиш ва уларнинг самарали ишлашлари учун зарурий шарт – шароитларни яратиш;

- таълимда узвийлик ва узлуксизликни ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштиришда, кафедра моддий техника ва ўқув лаборатория базасини ривожлантиришда иштирок этиш ҳамда ҳомийлик қилиш;

- «Ғалла-Алтег» АЖ даги мутахассислари томонидан институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларига муаммоли маърузалар ўқиш, магистрлар диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиш;

- ўзаро ҳамкорликда услубий қўлланмалар яратиш, илмий – тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва илмий натижалардан ўқув жараёнида фойдаланишни таъминлаш. Инновацион гуруҳ томонидан самарали деб топилган илмий ишланмаларини корхоналарнинг ишлаб чиқариш амалиётларига тадбиқ этиш;

- институт профессор – ўқитувчилари ва илмий ходимларининг қисқа муддатли амалиётларини ўтказиш ва малакасини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ташкилотининг моддий техника базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

- соҳа бўйича ишлаб чиқаришда мавжуд маълумотлар ва муаммолар банки билан ТИҚХММИ талабномаси бўйича мунтазам таъминлаб бориш ва илмий амалий ҳамкорликни амалга ошириш;

- тизимдаги тўрт йиллик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда институтда тайёрланаётган “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш”, кафедраси битирувчиларидан мавжуд квота бўйича кадрлар тайёрлашга буюртма бериш;

- талабаларнинг ўқув, малакавий ишлаб чиқариш амалиётларини ўз базасида дастур талаблари даражасида ўтказилишини таъминлаш, талабаларга «Ғалла-Алтег» АЖнинг мутахассислардан иборат раҳбарлар бириктириш.

- корхонадаги бўш вакант ўринларни малакали битирувчилар билан тўлдириб бориш, битирувчиларни ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- фан – таълим – ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган соҳанинг фидойий ходимларини рағбатлантириш;

- малакавий амалиёт ўтказиш сифатини рағбатлантириш мақсадида амалиёт базаси ҳисобланган бўлим раҳбарларининг амалиёт ўтаётган талабалар меҳнатини имконият даражасида рағбатлантириш, институтни тугатгандан сўнг эса битирувчилардан танлаб ташкилотга ишга жойлаштириш тўғрисида мақбул қарор қабул қилиш.

-“Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасига битирувчиларининг ижодий ва амалий ишлари учун институт фаолиятига тегишли мавзуларни белгилашда ва уларга институт вакилларидаан иборат тақризчилар тайинлашда кўмаклашиш.

- корхонада мавжуд ва юзага келадиган техник ва технологик илмий муаммолар тўғрисида “Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасига маълумотлар бериш ва маълумотлар базасини шакллантириш.

- ўзаро ҳамкорликда бажарилган ишларнинг натижаларини тарғибот қилиш ва нашр этишда кафедранинг ҳамкор олимлари билан ҳаммуаллифлик қилиш

- “Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасининг ҳамкор олимлари билан биргаликда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар тайёрлаш ва танловларда қатнашиш.

- ўзаро ҳамкорликда тайёрланган инновацион ишланмаларни кафедрада жорий қилишда амалий ёрдам бериш.

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти фаолияти йўналишига боғлиқ илмий-техник конференцияларда қатнашиш.

## **2.2.Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтининг “Технологик жараенлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасининг мажбуриятлари:**

- корхона томонидан бакалаврият битирувчиларига қўйиладиган малакавий талабларга мос равишда таълим йўналишининг Давлат таълим стандарти, ўқув режалари ва фан дастурларига ўзгартиришлар киритиш.

- корхонанинг бакалавриятга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва шунга мос равишда талабаларни малакавий ва ишлаб чиқариш амалиётини ушбу «Ғалла-Алтег» АЖ ўташларини ташкиллаштириш.

- корхона эҳтиёжига мос бакалаврият битирувчиларининг битирув малакавий иши учун корхона фаолиятига тегишли мавзуларни белгилаш ва уларга «Ғалла-Алтег» АЖ вакилларидаан иборат тақризчилар тайинлаш.

- корхона учун ажратилган битирувчи бакалаврларни ушбу корхонасига ишга жойлаштиришни таъминлаш ва унинг иш фаолиятини мониторинг қилиб бориш.

- корхона фаолиятига тааллуқли техник ва технологик илмий муаммолар банкини яратиш.

- илмий техник ва технологик муаммолар банкини таҳлил қилиш ва саралаш асосида кафедранинг илмий-тадқиқот ва инновацион ишларининг йўналишлари ҳамда намунавий мавзулари рўйхатини шакллантириш.

- намунавий мавзулар асосида битирув малакавий ишлари, давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларнинг мавзуларини шакллантириш.

- ушбу мавзулар бўйича бажариладиган битирув малакавий ишлари, ҳамда давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган фундаментал, амалий ва инновацион

лойиҳаларга корхонанинг етакчи мутахассисларини илмий раҳбар, маслаҳатчи ва ижрочи сифатида жалб этиш.

- корхонада мавжуд бўлган муаммолар бўйича бажарилган илмий ва амалий ишларнинг натижаларини тақдим этиш.

- ўзаро ҳамкорликда бажарилган ишларнинг натижаларини тарғибот қилиш ва нашр этишда корхонанинг ҳамкор мутахассислари билан ҳаммуаллифлик қилиш.

- ўзаро ҳамкорликда тайёрланган инновацион ишланмаларни «Ғалла-Алтег» АЖ да жорий қилишда иштирок этиш.

- «Ғалла-Алтег» АЖ мутахассисларини малакасини оширишга кўмаклашиш.

#### “Ғалла-Алтег” АЖнинг мажбуриятлари:

1. Корхонанинг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ва уларнинг малакасига бўлган талаблар тўғрисида кафедрага маълумотлар бериш.

2. “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедраси томонидан тавсия этилган бакалаврият талабаларининг эксплуатацион ишлаб чиқариш амалиётини институтда ўташларини таъминлаш.

#### 4. Қўшимча шартлар

4.1. Ушбу шартнома уч нусхада тузилиб, бири Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтида, иккинчиси «Ғалла-Алтег» АЖда учинчиси “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасидасакланади.

4.1. Шартнома томонларнинг бирини фаолияти тугатилганда ёки томонлардан бирининг сабаблари асослаб кўрсатилган ҳолда камида уч ой олдин ёзма равишда берган огоҳлантиришига асосан тўхтатилиши мумкин.

#### 5. Шартноманинг амал қилиш муддати

5.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга амал қилади. Амал қилиш муддати тугагандан сўнг томонлар шартномани тугатиш ҳақида ёзма огоҳлантириш бермасалар унинг амал қилиш муддати кейинги беш йилга узаяди.

#### 6. Томонларнинг юридик манзиллари



ТИҚХММИ ректори  
Ў.Умурзаков

“14” январ 2021 йил

ТИҚХММИ: 100000, Тошкент ш.  
Қ.Ниёзий кўчаси 39 – уй.  
Тел.: 71-237-19-98.  
<http://www.tiim.uz>  
[ranogazieva@gmail.com](mailto:ranogazieva@gmail.com)



“Ғалла-Алтег” АЖ Бошқарув раиси  
Қ.Т. Қувватов

“14” январ 2021 йил

“Ғалла – Алтег” Тошкент ш.  
Элбек кўчаси 37.  
Тел. 71-289-41-91



*Handwritten signature: Гафурова Р.*